



BUYRUQ

100140 TOSHKENT-140

ORDER

100140 TASHKENT-140

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг 2019 йил 11 февралдаги
143-сонли буйруғи ижроси ҳақида

15.02.19 № 1-9-6/135

Университетда олиб борилаётган маънавий-маърифий, ходимлар ўртасида ижтимоий соғлом муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш, ўқув жараёнини ташкил этиш, олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ҳамда раҳбар ходимлар масъулиятини янада ошириш ва зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 11 февралдаги “Тошкент давлат аграр университети раҳбар ходимлари масъулиятини ошириш тўғрисида”ги 143-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Барча проректорлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, факультет деканлари ва кафедра мудирларига:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 11 февралдаги “Тошкент давлат аграр университети раҳбар ходимлари масъулиятини ошириш тўғрисида”ги 143-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин;

университетда олиб борилаётган маънавий-маърифий, ходимлар ўртасида ижтимоий соғлом муҳитни яратиш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмаганлиги, ўқув жараёнини ташкил этиш ишларини сусайтириб юборилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор И.Исраиловга:

университетда келгусида салбий ҳолатларнинг такрорланмаслиги ва барча ходимлар масъулиятини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни уч кунлик мuddатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилсин.

3. Ушбу буйруқнинг ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

РЕКТОР

Б.СУЛАЙМОНОВ